

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 32333

Урганч шаҳри

2022 йил 14 Июль

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги “Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш хамда иссиқлик таъминоти объектларини куриш бўйича инжиниинг компанияси” ДУК Хоразм вилояти худудий филиали (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан Низом асосида иш юритувчи бошлиғи Б.Э.Кадиров бир томондан “YASHNAR” XUSUSIY KORXONASI (кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритилади) номидан Низом (Устав) асосида иш юритувчи корхона раҳбари Д.Рахимов иккинчи томондан, (ЛОТ №109377) Хоразм вилояти Урганч тумани Қумровот МФЙ Нурли маскан кўчаси №9,10,11,12,13 3/12, 3/13-сон Чулобод МФЙ Ипак йўли кўчаси 1,2,3 сон уйлар олдини ободонлаштириш (Болалар майдончаси, пиёдалар йўлакчаси, автоном тунги ёритиш чирокларини ўрнатиши) ишларини бажаришга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада кўйидаги таърифлар кўлланилади:

ижро хужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект (куриш, кайта куриш ва мукаммал) таъмирига ишчи чизмалар туркуми, ер ишларида тегишли ташкилотлардан хulosалар, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда кўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошка хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулияти конструкциялар оралиқ даврда кабул килиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж килинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, курилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиши дафтарлари хамда курилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошка хужжатлар;

1.2 **беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниклигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниклаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

1.3 **шартнома нархини бўлиб чиқиши** - ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари кийматини аник белгилаган холда шартнома бўйича объектнинг умумий кийматини босқичларга таксимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2.1 Пудратчи мазкур шартнома бўйича объектда курилиш ва таъмирлаш ишларини смета хужжатларида кўзда тутилган холда бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига бажариладиган ишлар учун зарур шароитлар яратиш, бажарилган ишларни кабул килиш, уларни кабул килиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3.1 Мазкур шартнома бўйича «Пудратчи» томонидан бажариладиган, 2022 йил 08 июлдаги №32333 ийғилиш баёни билан тасдиқланган ишлар киймати ушбу объект тўлаконлигигача фойдаланишга топширилишида ККС билан 374 000 000(уч юз етиш тўрт миллион) сўмни ташкил этади.

3.2 Ишлар киймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик кайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, кўйидаги холлар бундан мустасно:

3.3 объектнинг кайта куришишлари кийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб бўлганда;

3.4 амалдаги конунчилликка ўзгаришиш киритилиши натижасида, шартномада кўрсатилган суммагаконунчилликка мувофик ўзгаришиш киритиш зарур бўлган холларда;

ишлар хажми Буюртмачи томонидан ўзгаририлганда;

IV. ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1 Пудратчи мазкур шартнома шартларини сўзсиз бажаради

4.2 Мазкур шартнома бўйича Пудратчи, шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

4.3 Объектдаги курилиш ишлари бошланишдан олдин объектда курилиш ва таъмирлаш ишларини олиб бориш даври учун, буюртмачи иштирокида курилиш ва таъмирлаш ишлари бўлаётган ва ундаги мавжуд элементларини далолатнома асосида объектдан фойдаланувчи ташкилотдан кабул килиб олади ва таъмирлаш ишлари якунлангандан сўнг фойдаланувчи ташкилотга топширади. Пудратчи томонидан курилиш ишлари олиб борилаётган даврда ушбу объект кисмидаги элементларини саклаш ишларини амалга оширади;

4.4 Ушбу курилиш объектини куриш даврида электр энергияси, сув ва табиий газдан фойдаланиш зарурияти бўлган тақдирда белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан шартнома тузиш, тўловларини амалга ошириш, зарур холларда айрим иш турларининг бажарилшида смета хужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланилиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси ва лойиҳачи ташкилотнинг тегишли хulosаси асосида амалга оширилиши мумкин. ҳар кандай иш туридаги ушбу ўзгаришлар юзасидан Буюртмачини хабардор килиш;

4.5 смета хужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш хажмлари Пудратчи томонидан тўлик ва сифатли килиб бажарилиб, айрим иш хажмлари ва харажатлар смета хужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда

иктисод килинса, ушбу маблағни айрим харажатлар бүйича курилиши мумкин ва күшимча бажарилиши лозим бўлган иш хажмлари харажатларини коплаш учун объектнинг умумий киймати доирасида асословчи хужжатлар асосида Буюртмачини хабардор килган холда йўналтириши мумкин ва ушбу иш турлари танлов иш хажмларида бўлса нархлари танлов нархларидан олиниши, агарда танловда бўлмаса смета-хужжатларидаги нархлардан олиниб, бажарилган ишлар хисоб-фактурасида кўрсатилиши лозим.

4.6. объектнинг ижро хужжатларини расмийлаштириш ва буюртмачига топшириш, курилиш материалларининг мувофиқ сертификати, ишлатилган курилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини тақдим этади;

4.7 шартнома шартларига асосан объектни буюртмачига тасдиқланган лойихага мувофиқ топширади;

4.8 барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унинг I-иловасида белгиланган ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажм ва муддатларда, ўзининг кучлари билан курилиш коидалари ва мельёрларига, белгиланган стандартларга амал килган холда сифатли бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади;

4.9 обьектга зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, бошка хом-ашёлар ва курилиш техникасини ўз вактида ҳамда зарур ҳажмларда етказиб бериш, уларни кабул килиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклашни амалга оширади;

4.10. зарур холларда курилиш майдони ҳудудида вактинчалик иншоотлар қуради;

4.11. курилиш майдонида техника ва ёнгин хавфсизлиги, ишларни бажариш вактида атроф мухитни, ўтказилган дараҳтларни ва ер участкасини муҳофаза килиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлайди;

4.12. мазкур шартнома бўйича обьектни фойдаланишга кабул килиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини ўзига тегишли курилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вактинчалик биноларни бўшатади;

4.13. курилиш майдони кўрикланишини таъминлайди;

4.14. Ойма-ой ёки бир ой давомида бажарилган курилиш ва таъмирлаш ишлари юзасидан мониторинг ҳолатда хисоб-фактурасини ойнинг 25 санаисигача Буюртмачига тақдим киласди;

4.15. Объектда курилиш ва таъмирлаш ишлари тўликтугатилгандан кейин бажарилган курилиш ва таъмирлаш ишлари юзасидан хисоб-фактурани тўлик тақдим киласди;

4.16. мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлик ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.17. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан зарур тарзда бажарилиши ҳамда обьектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлик мулкий жавобгар хисобланади.

4.18. Бажарилган ва молиялаштириш учун кабул килинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошка камчиликларга йўл кўйилганлиги аникланганда, кейинги ойларда бажарилган иш ҳажмларига тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган холда расмийлаштирилади.

4.19. Пудратчи мазкур шартномада кўрсатилган ишларнинг барча ҳажмини шахсан ўзи бажаради, куйидаги ҳолатлар бундан мустасно;

4.20. Шартномада назарда тутилган ишларнинг тўлик ҳажмига кўра 60% кам бўлмаган микдорини ўзи ва колган 40% дан ошмаган кисмини ёрдамчи пудратчи томонидан амалга оширилишига рухсат бериниши сўраб “Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти обьектларини куриш бўйича инжинииринг компанияси” ДУК Хоразм вилояти ҳудудий филиали директорига килинган мурожаатга кўра ундан розилик хати олинганда;

4.21. Пудрат ташкилоти юкорида таъкидлаб ўтилган “Розилик хати”ни олиш учун, умумий иш бошланишидан олдин “Кўп хонадонли уйларни, иссиқлик таъминоти обьектларини куриш бўйича инжинииринг компанияси” ДУК директорига “Мурожаатнома” билан мурожаат килиши шарт;

4.22. Мазкур мурожаатномага ёрдамчи пудратчи ташкилотига доир хужжатларни илова килиши, агарда ушбу ёрдамчи пудратчи ташкилот ишини тўлик ва сифатли бажаришига шубха бўлиб, ишнинг бир кисмини бажаришга розилик хати берилмаган яъни рад жавоби берилган тақдирда, бошка ёрдамчи пудратчи ташкилотлар бўйича таклифлар бериши ёки ўзи шахсан бажариши лозим.

4.23. Ушбу шартнома кучга кирган кундан бошлаб, курилиш ишлари амалга оширилаётган жойлар ва унга туташ бўлган ҳудудларда барча турдаги хавфсизлик коидаларига тўлик риоя килинишини таъминлашига жавобгар хисобланади.

V. БЮОРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

5.2. Ишлар бажарилиши устидан доимий техник назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларни, амалдаги конунчилик хужжатларига мувофиқ равишда кабул килиб олиши таъминлаш;

5.3. Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чикиш ва қарор кабул килиш;

5.4. молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 2-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

5.5. мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 20 кун давомида Пудратчига ишларни кабул килиш учун зарур бўлган ижро хужжатларини тақдим этиш;

5.6. мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлик ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

- 6.1. Пудратчи мазкур шартномани имзоланган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.
- 6.2. Пудратчи объектда куриш ва таъмирлаш ишларини 02. 10. 2022 йил кунига тугатиб, объектни сифатли ва тўлик килиб (тегишли барча хужжатлар билан бирга) фойдаланишга топширади. Молиялаштириш ёки Буюртмачига тегишли бошқа сабаблар бўлгандан Хоразм вилояти Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси ишчи танлов комиссиясининг қарорига асосан курилиш ва таъмирлаш ишлари муддатига ўзгартиришлар киритилиши мумкин.
- 6.3. Пудратчи ишларни 80 кунда амалга оширади.
- 6.4. Пудрат шартномаси амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабрь.
- 6.5. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

7.1. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун ишларни бажариш (1-илова) ва молиялаштириш (2-илова) жадваллари асос хисобланади.

7.2. “Буюртмачи” мазкур шартнома бўйича объектга бюджетдан мақсадли аванс беради, молия органи молиялаштириш жадвали бўйича тўғридан-тўғри “Пудратчи”нинг ҳисоб рақамига ишлар умумий қийматининг 30 фоиз микдорида **112 200 000** (бир юз ўн икки миллион икки юз минг) сўм аванс маблағи ташкил килади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 21.04.2022 йилдаги №206 сонли қарорига асосан икки ойга тенг улушларга бўлган холда 15 фоизи **56 100 000** (Эллик олти миллион бир юз минг) сўмни ўтказади.

7.3. Колган маблаг ишлар бажарилиб ҳисоб фактура тақдим килингандан кейин тулаб берилади.

7.4. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган холда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 100 фоизгача доирасида амалга оширилади.

7.5. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида саклаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

7.6. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг колган кисми Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб курилиш тугаллангандан кейин ва объект кабул комиссияси томонидан белгиланган тартибида кабул қилингандан кейин ишлар қийматининг 5 фоиз микдори амалга оширилади.

7.7. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига кабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 5 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда конун хужжатларида белгиланган тартибида Буюртмачини ёзма равишида хабардор килган холда, шартномага ўзгартиришлар киритишини талаб килиш ёки шартномани бир томонлама ўрнатилган тартибида бекор килиш ҳуқуқига эгадир.

7.7.1. Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 637-моддасига асосан пудратчининг тежами тарафлар ўртасида тенг тақсимланади. Яъни Пудратчининг амалдаги харажатлари иш баҳосини аниглаш вақтида (смета тузилаётганда) назарда тутилган харажатлардан кам бўлган холларда, башарти пудратчининг тежами бажарилган иш сифатига таъсир этмаган бўлса пудратчининг тежами пудратчи ва буюртмачи ўртасида 50/50 кўринишида, яъни тенг тақсимланади.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

8.1. Буюртмачи объектда ўз вакилини - техник назоратчини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаетган ишлар ҳажми ва сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

8.3. Пудратчи техник кузатувчими ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник кузатувчи Пудратчи томонидан ўтказиладиган, таъмирлаш обьектида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишида қатнашади.

8.4. Пудратчи обьектда бажарилган ишларнинг ҳажмларини ижро хужжатларини, килингандар сарф-харажатларни Буюртмачи томонидан мазкур обьект учун биринтирилган техник кузатувчи билан ҳар ойнинг 20 кунидан 25 кунигача обьектнинг ўзида кўриб чиқади ва тўлик маълумотни (белгиланган тартибида ижро хужжатлари билан) ойнинг 28 кунига қадар бажарилган ишлар ҳисоботини “Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти обьектларини куриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Хоразм вилоят худудий филиалига топширади.

8.5. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан обьектда ишларни бажаришни мустакил равиша ташкил этади.

8.6. Объектда умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

8.7. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда курилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва обьектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

8.8. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан обьектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва булиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

8.9. Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аникланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган холда тегишли тузатишларни ўз хисобидан киритади.

8.10. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини саклади, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

8.11. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактинча улашни ва улаш нукталарида янгидан курилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

8.12. Пудратчи ўзи томонидан курилишда кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларида курсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофик бўлишини хамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

8.13. Алоҳида масъулияти конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига караб уларни кабул килиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ёзма равишида хабардор килади.

8.14. Ёпилиб кетадиган ишларни уларнинг хар бир тури (боскичи) бўйича кабул килиб олиш уларнинг кейинги тур (боскич) ишлари бошлангунга кадар бажарилишига караб амалга оширилади. Ишларни куйидаги таркибдаги комиссия кабул килиб олади: Буюртмачининг вакили – техник назоратчи (раис), пудратчи ташкилот вакили – иш бажарувчи ёки уста, лаборант ва геодезист (зарур холларда), объектга хизмат кўрсатадиган юкори ташкилоти вакили, лойиха ташкилоти вакили (кўтариб турувчи конструкцияларни кабул килиб олишда). Ёпилиб кетадиган ишларни кабул килиб олиш натижалари ўрнатилган шакл бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади, унда кабул килинадиган ишларнинг лойиха, норматив-техник хужжатлар, стандартлар талабларига мувофиклик даражаси акс эттирилади, шунингдек кабул килинадиган ишларга баҳо ва ишларнинг кейинги турларини бажаришга рухсат берилади. Далолатномага ўлчовлар кайдомаси ва лаборатория синовлари натижалари илова килинади.

8.15. Пудратчи Буюртмачининг курилиш ва таъмирлаш ишларини бажарилишини юритиш дафтарларига киритилган ёзма рухсатномасидан кейинги ишларни бажаришга киришади.

8.16. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳакда хабардор килинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор килинган бўлса, у холда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофик беркитиладиган ишларнинг исталган кисмини ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

8.17. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир килмайдиган иш хужжатларидан майда четга чикишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг курилиш сифатига ва кийматига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.

8.18. Объектда курилиш жараёнида технологик жараён олиб борилишининг тўғрилиги, бажариладиган ишлар хамда фойдаланиладиган материалларнинг сифати юзасидан техник назоратни амалга ошириш, шунингдек ёпилиб кетадиган ва оралиқ ишларни кабул килиб олишда Буюртмачи томонидан комиссия таркибида иштирок этиш учун ушбу объектдан фойдаланувчи ташкилотни жалб этилиши мумкин.

8.19. Объектнинг бажарилган ишлари ва тугалланган объектларини ойлик (оралик) кабул килиб олиш буюртмачи ва пудратчи томонидан расмийлаштирилади. Бажарилган ишларни ойлик (оралик) кабул килиб олиш натижалари белгиланган шаклда маълумотнома-хисоб-фактура билан, микдор ва киймат кўрсаткичлари хисобкитоб жадвалида акс эттирилган холда белгиланган шаклда расмийлаштирилади.

8.20. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг ёрдамчи пудратчилари томонидан ишларнинг сифатизиз бажарилганлигини аникласа, у холда Пудратчи ўз кучлари ва маблағлари хисобидан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир.

8.21. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода саклади.

8.22. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи курилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида ахамиятга эга бўлган холлар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, ишларнинг кабул килиб олиниши, ўтказилган синовлар, кунлик ўртacha ҳаво ҳарорати ва ёғингарчиликлар, шунингдек курилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир килиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

8.23. Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларидан коникмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён килади.

8.24. Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишида курсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

9. Пудратчи таъмирлаш ишлари бошланишидан тугаллангунгача ва кайта куриш ишлари тугалланган объект Буюртмачи томонидан кабул килиб олингунга кадар четлари тўсилган курилиш майдони худудида материаллар, асбоб-ускуналар, курилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада кўрикланишини таъминлайди.

X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

10.1. Енгид бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) холатлари- бу томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлик бўлмаган табиат ходисалари (зилзила, кўчки, бўрон, курғокчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий- иктисодий холатлар (уруш холати, камал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни такиқлаш ва бошқалар) сабабли

юзага келган шароитларда томонларга кабул килинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавкулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган холатлардир.

10.2. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундан кисман ёки тўлик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

10.3. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч холатлари амал килган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вактга мутаносиб равишда узайтирилади.

10.4. Агар енгиб бўлмайдиган куч холатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вактга чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун қандай чоралар кўрилишини мухокама қиласидар.

10.5. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у холда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор килинишини талаб килишга ҳақлидир.

XI. ҚУРИЛИШ ВА ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

11.1. Курилиш ва таъмирлаш ишлари тугалланган объектни кабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибига мувофик, мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек курилиш ва таъмирлаш ишлари тугалланган объектларни фойдаланишга кабул қилиб олиш шахарсозлик нормалари, коидалари ва стандартларига асосан амалга оширилади.

11.2. Курилиш обьекти ёки унинг участкалари (ишга тушириш мажмуалари) обьектнинг тугалланганилиги ва у кабул қилиб олишга тайёрлиги тўғрисида пудратчи ташкилотнинг хабарномасидан кейин жамоатчилик комиссия томонидан фойдаланишга кабул қилинади.

11.3. Пудратчи ташкилот жамоатчилик комиссияга куйидаги хужжатларни тақдим этади:

- курилиш ва таъмирлаш ишларини амалга оширишда иштирок этган ташкилотлар томонидан бажарилган ишларнинг турлари ва хажмлари ҳамда масъул ижрочилари кўрсатилган ҳолдаги рўйхати;

- ёпилиб кетадиган ишларни кабул қилиб олиш далолатномалари;

11.4. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси асосида Буюртмачи томонидан белгиланган тартибида кабул қилиб олинади.

11.5. Пудратчи кайта куриш тугалланган объектни кабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофик Буюртмачига Пудратчи томонидан белгиланган таркибида икки нусхада ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлик мос келишини ёзма равишида тасдиқлаши керак.

11.6. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб обьект давлат мулкига айланади ва ўрнатилган тартибида обьектлардан фойдаланиш корхонаси балансига ўтади.

XII. КАФОЛАТЛАР

12.1. Пудратчи:

- барча ишлар тўлик хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

12.2. смета хужжатларига ҳамда курилиш меъёrlари, коидалари ва техник шартларига мувофик барча ишларни сифатли бажаришни;

12.3. ўзи томонидан курилиш ва таъмирлаш ишлари учун кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг смета хужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

12.4. смета хужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш хажмлари Пудратчи томонидан тўлик ва сифатли қилиб бажарилиб, айрим иш хажмлари ва харажатлар смета хужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда иктисад килинса, ушбу маблағни айрим харажатлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарни ва кўшимча бажарилиши лозим бўлган иш хажмлари харажатларини коплаш учун обьектнинг умумий киймати доирасида асословчи хужжатлар асосида Буюртмачини хабардор килган ҳолда йўналтириши мумкин ва ушбу иш турларига смета-хужжатларини тайёрлатиш;

12.5. шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнида обьектдан фойдаланиш жараённида нуксонлар ва чала килинган ишлар аникланганди, ўз хисобидан бепул бартараф этишни;

12.6. обьектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

12.7. Объект ва унга кирадиган мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар кайта куриш тугалланган объектни кабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб 12 ой этиб белгиланади.

12.8. Агар обьектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланиб, улар бартараф этилгунга кадар фойдаланиши давом эттириш имконини бермайдиган нуксонлар аникланса, у холда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

12.9. Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида кайд этилади.

12.10. Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичida бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб колиш хукукига эга.

12.11. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чикиш Буюртмачи томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича тегишли судига мурожаат килишини истисно этмайди.

XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР КИЛИШ

13.1 Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин ишларнинг бошланиши Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вактга кечиқтирилганда;

13.2. ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга кўпайган холда;

13.3. Пудратчи томонидан бажарилган курилиш ва таъмирлаш ишларига бажарилганлиги юзасидан хисоб-фактурасини расмийлаштириб бир ой ичida топширилмаган холда;

13.4. Пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

13.05. Буюртмачи конун хужжатларига мувофик бошка асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

13.6. Пудратчи:

- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- конун хужжатларига мувофик бошка асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

13.7. Шартнома бекор килинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кўшма карорига кўра тугалланмаган таъмирлаш 15 кун муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тўлайди.

13.8. Мазкур шартномани бекор килишга карор килган томон мазкур бўлим коидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

13.9. Шартнома бекор килинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

13.10. Шартномакуидаги холатлардан бирон-биттаси мавжуд бўлганда, шартнома буюртмачи томонидан бир томонлама бекор килиниши мумкин;

13.11. Шартнома шартларига риоя килинмаганда ёки шартнома шартлари бузилганда ёхуд бажарилмаганда шунингдек сифатли бажарилмаганда;

13.12. Пудратчи шартномада келтирилган ишларни камида 70%ни шахсан ўзи бажариш учун етарли куч ва воситаларга эга эмаслиги маълум бўлган вактдан бошлаб;

13.13. Пудратчи шартномада назарда тутилган ишларнинг тўлиқ хажмига кўра 70% кам бўлмаган микдорини ўзи ва колган 30% дан ошмаган кисмини ёрдамчи пудратчи томонидан амалга оширилишига рухсат берини сўраб “Кўп хонадонли уйларни, иссиқлик таъминоти объектларини куриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК директорига мурожаатнома ёзиш тартибини бузганда, яъни мурожаатнома умумий иш бошланишидан олдин ёзилмаганлиги;

13.14. Пудратчи умумий иш бошланишидан олдин ўз имкониятлари умумий иш хажмининг 70%ни шахсан ўзи томонидан амалга оширишига етмаслигини яширганлиги.

13.15. Пудратчи буюртмачига кайси ва ишларнинг канча микдорини узи ва канча микдорини ёрдамчи пудрат ташкилотлар томонидан килдирмокчи эканлиги хамда килдираётганлиги тугрисидаги маълумотлар ифодаланувчи хужжатларни буюртмачининг оғзаки ёки ёзма суровига асосан шу куннинг узида тақдим этиши.

XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

14.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган заарларни коплайди;

14.2. Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунида, бошка конун хужжатларида хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошкача жавобгарликка тортилади.

14.3. Курилиш ва таъмирлаш ишларини олиб бораётган Пудратчи ташкилот конунчиликка асосан ва шартномага мувофик буюртмачи олдида куйидаги ишлар бўйича мулкий жавобгардир:

- сифатсиз бажарилган курилиш ва таъмирлаш ишлари;

- объекtnи хамда унинг боскичлари ва навбатларини белгиланган муддатда тугалламагани;

- буюртмачи билан тузилган шартнома асосида курилиш ва таъмирлашхамда бошка ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан ускуналарни монтаж килиш муддатлари бузилиши;

- объекtnинг смета хужжатларида белгиланган ерларни рекультивация килиш ишлари бажариш хажмлари ва муддатларининг бузилиши;

- курилиш ва таъмирлаш жараёнида ёки оралик кабул килишда пудратчи, муаллифлик назорати ва бошка назорат органлари томонидан аникланган конструкция ва ишлардаги йўл кўйилган камчиликлар хамда нуксонларни бартараф этишни оркага суриш;

- шартномада кўзда тутилган бошка мажбуриятларни бажармагани ёки тўла-конли бажармагани.

14.4. Пудратчи ташкилот томонидан ишларнинг бажарилишида пудрат шартномасидан чекиниш ёки бошка камчиликлар мавжудлигига Буюртмачи, агар конунчилик ёки шартномада бошка шартлар кўзда тутилмаган тақдирда, пудратчи ташкилотдан ўз ихтиёрига кўра куйидагиларни талаб килиш хукукига эга:

- нуксонларни оқилона муддатларда ўз хисобидан бартараф этишни;
- Агар Пудратчи ташкилот нуксонларни келишилган муддатларда бартараф этмаса, Буюртмачи ёки объектдан фойдаланувчи ташкилот ўз кучи билан Пудратчи хисобидан нуксонларни бартараф этиш ҳамда нуксонларни ўз вактида бартараф этилмаганилигидан келтирилган заарни ва бажарилган иш кийматини ундириш хукукига эга.

14.5. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя килмаганилиги, ўз вактида молиялаштирмаганилиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,1 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси молиялаштирилмаган маблаг кийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

14.6. Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни коплашдан озод килмайди.

14.7. Молиялаштиришнинг кечикиши “Махаллий бюджет ҳамда вазирлик жамғармаси” айби билан содир этилса, молиялаштириш бўйича “Буюртмачи” “Пудратчи” нинг олдидаги жавобгар бўлмайди.

14.8. Пудратчи томонидан объектни ўз вактида ишга тушириш бўйича мажбуриятлар бузилган бўлса Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,2 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

14.9. Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 0,2 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 30 фоизидан ошмаслиги керак.

14.10. Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни коплашдан озод килмайди.

14.11. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш меъёрлари ва коидаларига, иш хужжатларига мувофик бўлмаса, у холда Буюртмачининг хулосаси асосида объектни кабул килиш ва унинг учун ҳак тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар кийматининг 20 фоизи микдорида жарима ундириш хукукига эга.

14.12. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганилиги учун мазкур бандда назарда тутилган жазолардан ташкири шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан килинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган заарларни коплайди.

14.13. Буюртмачи Пудратчининг бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий хисоб-китоблардан аникланган камчиликлар натижасида Буюртмачига кайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларини ўз вактида бажармаса, Буюртмачи ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар хисобидан чегириб колиши хукукига эга.

14.14. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганилиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод килмайди.

XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

15.1. Шартномани бажаришда ва бекор килишда шунингдек етказилган заарларни коплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар конун хужжатларида белгиланган тартибда суд томонидан кўриб чиқилади.

XVI. АЛОХИДА ШАРТЛАР

16.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

16.2. Пудратчи қурилиш обьектига ёки унинг алохидаги кисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, ёрдамчи пудратчилардан ташкири, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукукига эга бўлмайди.

16.3. Мазкур шартномага барча ўзгариши ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳакиқий хисобланади.

16.4. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар кандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришилар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

16.5. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар яқунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни колдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод килиш санасигача бажарилган ишлар учун ҳак тўлашни кечикиришга ҳақлидир.

16.6. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча холлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодекси ва амалдаги конун хужжатлари нормалари кўлланилади.

16.7. Мазкур пудрат шартномаси томонлар ўз мажбуриятларини тўлик бажаргунча амал килади.

16.8. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган З нусхада тузилди.

16.9. Мазкур шартнома вилоят ғазначилик бошкармасидан рўйхатдан ўтганидан сўнг хукукий кучга киради.

XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ
ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

“БҮЮРТМАЧИ”

Номи: “Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмиглаш хамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Хоразм вилояти худудий филиали
Манзили: Урганч шахри А.Кодирий кучаси 96 уй
Банк номи: Ипотека банк АТИБ Хоразм вилояти филиали.
Шхр: 100021860334017069902110003
МФО: 00579, СТИР: 307 907 874
ХХТУТ: 41202



Бошлик: Кадиров Б.Э.

Юрисконсульт: Кадиров Б.Э.

Сигнатур: Кадиров Б.Э.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Фазначилиги

Х/Р: 23402000300100001010

Банк номи: Марказий банк Тошкент

Стир (ИНН): 201122919 МФО: 00014

“ПУДРАТЧИ”

Номи: “YASHNAR” XUSUSIY KORXONASI

Манзили: Урганч шаҳар Саноатчилар кучаси 10а уй
Банк номи: Савдогарбанк Хоразм вилоят филиали
Х/Р: 20208000900381263001
МФО: 00552
ИНН: 201 243 790
ОКЭД:



Д.Рахимов



"КЕДИШИЛДИ"
Хоразм вилоятинин менинди
Б.Кудайберген
2022 йил

"КЕДИШИЛДИ"
Узбекистон Республикаси Министрии Үринбосари
А.Хайдаров
15.08.2022 й.



"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Узбекистон Республикаси Уй-жой
коммунал тизмати қўрсаши
официални үринбосари
О.Жураева
2022 йил

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йул 19 мюндаги "Кўп квартиralari уйларни бошқарни тизимини тақомиллаштириш тутрисида"ги ПК-5152-сонин
карорини 3-июндан ижрои юзасидан 2022 йилда Хоразм вилоятидаги кўп каватли уйларнинг туташ ҳудудларини ободоналаштириш бўйича ишлаб чирадиган
МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТ

№	Объектларининг номи ва жойлашгани манзили	Курилиш бошланниш и ва тутталлиниш йили	Тротуарларни бетон юғалмаси билан таъмирилаш		Ташкин бритниш тизимини ўрнатиш		Болалар майдончасини куриш		Ирригация тизимини таъмирилаш		Хомякхона курниш (дона)		2022 йил яхни жаннатлар кўйынма	Курилиш монтаж ишларнинг умумий юйимти	Буюргиччи харематлари		Жами	Лойиҳа-смета ва энсептерниза хуқусатлари учун кариментлари	Шундан буюргиччи сакланган харематлари	Топширниш муддати	Экспертиза хулоаси санаси ва рекомендация	Төвдиликнинг тилов байни санаси ва раками	Цудратчи курилиш ташкилоти									
			м2	минг.сўм	дона	минг.сўм	дона	минг.сўм	п/м	минг.сўм	дона	минг.сўм																				
Урганч шахир																																
1																																
"Мустақиллик" МФЙ Тинчлик кўчаси №33, 21, 2A уйлар, "Шодлик" МФЙ Ал-Хоразмий кўчаси №202 уй, "Авесто" МФЙ К.Отаниев кўчаси №61,61/1 уйлар, "Саховат" МФЙ Амударе кўчаси №9Б уй, "Олма бот" МФЙ П.Махмуд кўчаси №19 уй, "Қўхнағатлья" МФЙ 6 даҳа №12 уй, "Бўстон" МФЙ Ташкент кўчаси 12/3 уй, "Ҳикм" МФЙ А.Темур кўчаси №151,Л53 уйлар, "Гулчилар" МФЙ П.Махмуд кўчаси №2А уйлар																					Таилов											
2																																
Хизъя шахир																																
1																																
"Газчи" МФЙ О.Алладоров кўчаси №29,31,33 уйлар																						"Yashnar" xususiy korxonasi										
3																																
Гурлган тумани																																
1																																
"Шодлик" МФЙ Бобур кўчаси №14 уй, "Янги бот" МФЙ Зиротчилар кўчаси №5 уйлар																						"Uyg'ur Qurilish Servis" MCHJ										
4																																
1																																
"Тарақиёт" МФЙ Ал Замахшарий кўчаси №1 уй, "Чаманзор" МФЙ Ш.Рашидов кўчаси №2,19,22 уйлар, Ал Беруний кўчаси №3 уй																						"Yashnar" xususiy korxonasi										

5	Урганч тумани																								
1	"Кумратот" МФЙ Нурли Маскан кӯчаси №9,10,11,12,13 уйлар, "Чўлабод" МФЙ Ипак ўёли №1,2,3 уйлар	2022-2022 й.й.	1 170,7	120 156,6	12	89 524,4	2	164 319,0						409 130,0	374 000	35 130	13 015	22 115	2022 йил	17.06.2022 й № 47327	08.07.2022 й	"Yashnar" xususiy korxonasi			
6	Хазараст тумани																								
1	"Ал-Хоразмий" МФЙ Мустакиллик кӯчаси №2,13 уйлар	2022-2022 й.й.					1	89 500				1	101 500	209 640,0	191 000	18 640	3 254	15 386	2022 йил	07.07.2022 й № 50348	20.07.2022 й	"Hazorasp Bunyodkor Hous" MCHJ			
7	Тупроқсайла тумани																								
1	"Муҳаббат" МФЙ Мустакиллик кӯчаси №3/12, 3/13 уйлар	2022-2022 й.й.	378,6	47 398,1	2	16 437,4	1	86 164,5						162 210,0	150 000	12 210	3 254	8 956	2022 йил	13.06.2022 й № 46843	08.07.2022 й	"Hazorasp Bunyodkor Hous" MCHJ			
8	Шовот тумани																								
1	"Пахтакор" МФЙ Туркистон кӯчаси №3,4,5,6,7,8,9 уйлар	2022-2022 й.й.					2	177 000						189 373,0	177 000	12 373	11 390	983	2022 йил	17.06.2022 й № 48070	08.07.2022 й	"Binokor" MCHJ			
9	Янгиюбор тумани																								
1	"Янгиюбор" МФЙ Файзли кӯчаси №11 уй, Мустакиллик кӯчаси №96,94,71 уйлар	2022-2022 й.й.					2	178 500				1	101 500	305 927,0	280 000	25 927	6 510	19 417	2022 йил	07.07.2022 й № 50351	20.07.2022 й	"Binokor" MCHJ			
10	Янгибоғор тумани																								
1	Дўстлик МФЙ Истиқтол кӯчаси № 1,2,3 уйлар	2022-2022 й.й.	527,5	57 945,9	3	24 656,1	1	86 398,0						183 437,0	169 000,0	14 437	4 889	9 548	2022 йил	13.06.2022 й № 46840	08.07.2022 й	"Binokor" MCHJ			
	Буюртмачинин жами хизматлари		3 760,8	352 566,3	32,0	213 309,5	24,0	1 397 479	173,0	27 145,2	2,0	203 000	2 416 858	2 193 500	223 358	79 700	143 658								
	Вылови бўйича таъминотланмаган олимот													819 142,0											
	Хоразм вилояти бўйича жами		3 760,8	352 566,3	32,0	213 309,5	24,0	1 397 479	173,0	27 145,2	2,0	203 000	3 236 000,0	2 193 500	223 358	79 700	143 658								

"КЕЛИШИЛДИ"

Хоразм вилояти Уй-жой коммунал хизмат қурсатиш бошшаги

Д.Алташунова

2022 й.



"КЕЛИШИЛДИ"

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат қурсатиш вазирлиги
“Кўн хонадонли ўйхори мускаммал ва зарорий таъмирилаш хамда иссиқлик таъминоти
объектларни юризе бўйича таъминотланмаган олимотларни” ДУК директори

А.Маджитов

2022 й.

"КЕЛИШИЛДИ"

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат қурсатиш вазирлиги
“Кўн хонадонли ўйхори мускаммал ва зарорий таъмирилаш хамда иссиқлик таъминоти
объектларни юризе бўйича таъминотланмаган олимотларни” ДУК Хоразм вилояти худудий филиали

Б.Кадиров

2022 й.

"КЕЛИШИЛДИ"

Кўн хонадонли ўй-жой фондидан
оғовхаланишинизни изорат келиши Хоразм вилоят
худудий таъмирилаш бошлиги

Р. Рузимов

2022 й.



"КЕЛИШИЛДИ"

Хоразм вилояти Уй-жой коммунал хизмат қурсатиш вазирлиги
“Кўн хонадонли ўйхори мускаммал ва зарорий таъмирилаш хамда иссиқлик таъминоти
объектларни юризе бўйича таъминотланмаган олимотларни” ДУК Хоразм вилояти худудий филиали

Б.Кадиров

2022 й.

"КЕЛИШИЛДИ"



Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 109377 на приобретение Хоразм вилояти Урганч тумани Қумровот МФЙ Нурли маскан кўчаси №9,10,11,12,13 3/12, 3/13-сон Чулобод МФЙ Ипак йўли кўчаси 1,2,3 сон уйлар олдини ободонлаштириш (Болалар майдончаси, пиёдалар йўлакчаси,

Способ проведения электронный

Дата 08.07.2022

Время рассмотрения 06.07.2022 10:29

Конкурсная комиссия Куп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш хамда иссилик таъминоти объектларини куриш буйича инжиниринг компанияси ДУК Хоразм вилоят худудий филиали, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	ALLAKULIYEV DAVRANBEK SAFAYEVICH	Бошкарма бошлиғи	Хоразм вилояти Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиши бошкармаси
Секретарь комиссии	SAMANDAROV SAMANDAR MO'MIN O'G'LII	Bosh mutaxassis	"КХУМЖТИОҚБИК" ДУК Хоразм вилояти худудий филиали
Член комиссии	КАДИРОВ БЕКЗОД ЭРКИНОВИЧ	Raxbar	"КХУМЖТИОҚБИК" ДУК Хоразм вилояти худудий филиали
Член комиссии	NIYOZMETOV FARXODBEK XXX	Yetakchi inspektor	Xorazm viloyati Qurilish sphasida hududiy nazorat inspeksiyasi
Член комиссии	ABDULLAYEV BUNYOD BAXTIYAROVICH	Bo'lim boshlig'i	Xorazm viloyati Iqtisodiy taraqqiyot va kambag'allikni qisqartirish bosh boshqarmasi
Член комиссии	JUMANIYAZOV MANSURBEK DAVRONBEKOVICH	Bo'lim boshlig'i	Xorazm viloyati Davlat Soliq boshqarmasi

